Биография

Муанбар Аъламова



Тўхтамурод Пирмуҳаммад аълам ўғли (Тўғрул) ва Қумриниса Назар қизининг иккинчи фарзанди бўлмиш Муанбар Аъламова 1939 йил 3 апрелда Тошкент шаҳрининг Қорасарой кўчасида туғилди. Хат-саводини мактабгача лотин алифбосида онасидан ўрганиб чиқарди. 1946 йилда 33-тўлиқсиз ўрта қизлар мактабига ўқишга кирди. 1954 йилдан қизлар ва ўғил болаларнинг бирга ўқишига ўтилди ва у ўқишини 14-мактабда давом эттирди. 1956 йилда мактабни кумуш медаль билан тамомлаб, Ўрта Осиё давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Талабалик йилларидан бошлаб таржимага ҳамда илмий изланишлар олиб боришга қизиқди. Икки марта – 1958 ҳамда 1960 йилларда – Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистон университетлари талабаларининг илмий конференцияларида маърузалар билан иштирок этиб, юқори ўринларга сазовор бўлди. Факультетда талабаларнинг ўзбек тилшунослиги тўгарагини бошқарди. 1961 йил университетни имтиёзли диплом билан тугатгани учун аспирантурага тавсия этилди. Лекин ўша йили факультет ўқитувчилари сафи ёшлар билан кенгайтирилди ва уни университет ўзбек тилшунослиги кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга тайинладилар. 1964 йили Муанбар Аъламова Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига “Тил тарихи ва туркийшунослик” ихтисослиги бўйича ўқишга кирди. Университетда ишлаб юрган пайтида кандидатлик минимумларини топшириб қўйгани, илмий тадқиқот олиб боришнинг ҳавосини олгани учун номзодлик диссертациясини 2 йил-у 4 ойда тугатиб, муваффақиятли ҳимоя қилди. Мавзу: “Туркий тилларда буйруқ-истак маъноларини ифодалаш усуллари” эди. Диссертация ёзиш жараёнида Ашхобод, Олма-ота шаҳарларига сафарларда бўлиб, уйғур, қозоқ ва туркман тилларини ўрганди, материаллар йиғди. Москва ва Ленинграддаги кутубхоналарда мавзу бўйича адабиётлар билан танишиб тадқиқот ишини ёзди.

Биография



1966 йил июнда диссертациясини ҳимоя қилгандан сўнг уни профессор Ф.Абдуллаев мудирлигидаги “Ҳозирги ўзбек адабий тили” секторига ишга таклиф қилишди. 1968 йил апрелда ТошДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, профессор, атоқли тилшунос Айюб Ғуломов кафедрага ишга чақирди. М.Аъламованинг бундан буёғига иш фаолияти то 1997 йилгача шу университетда кечди: аввал катта ўқитувчи, кейин олий тоифали доцент лавозимларида мазкур кафедрада (1968-1978), университетнинг тайёрлов бўлимида (1978-1987) ва “Фольклор. Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси” кафедрасида (1987-1997) ишлади.

Университетда ишлаган йиллари илмий ишлари, маърузалари, амалиёт ишлари, диплом ишларига раҳбарлик каби фаолияти билан обрў қозонди. Ўзбек тилшунослиги кафедраси А.Ғуломов бошчилигида жуда яхши мактаб эди: бир неча номзодлик ва докторлик ишларининг муҳокамасида қатнашиб, тақризлар берди. Номзодлик ишларининг тайёрланиб, ҳимояга қўйилишида ёш тадқиқотчиларга яқиндан ёрдам берди. 9та номзодлик ишининг ҳимоясида илмий оппонент сифатида қатнашди.

Матбуотда ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари, мактабларда ўзбек тилининг ўқитилиши, имло, матбуот ва театр асарларининг тили бўйича мақолалар билан чиқди ёки ҳаммуаллиф бўлди. Муанбар Аъламова тилшунослик масалалари, мактабда ўзбек тилининг ўқитилиши, олий таълимда тил фанини ўрганиш бўйича 10 дан ортиқ алоҳида нашр ва 70 дан ортиқ илмий, таҳлилий мақола ва тақризлар муаллифи эди. Шу билан бирга, Республика телевидениеси орқали 1985-1990 йилларда абитуриентлар учун она тилидан дарсларни олиб борди.

Биография



М.Аъламованинг диплом иши ўзбек тилидаги феъл нисбатларига бағишланган эди. 1980-йилларда у яна шу мавзуга қайтиб, уни докторлик диссертацияси мавзуси сифатида танлади. Бир неча йил мавзу бўйича изланишлар олиб бориб, мақолалар эълон қилди. 1992 йилда “Фан” нашриётида “Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси” мавзусидаги монографияни эълон қилди. 1995 йилда докторлик диссертациясини тамомлаб, тил кафедраларининг муҳокамасига қўйди. Иш юқори баҳоланди. Автореферат ёзилиб, иш билан бирга ҳимояга тайёр қилинди. Лекин ҳимоя бўлмади. Замон ўзгариб кетган, Мустақилликни мустаҳкамлаш йиллари эди. Илмий Кенгашлар ва Олий Аттестация Комиссияси тарқатилиб, янги таркиб ҳали ишга тушмаган йилларга тўғри келиб қолди. Уйидаги шароит ҳам пенсияга чиқишни тақозо қиларди ва 1997 йил Муанбар Аъламова ўзига қадрдон университетдан кетди.

Унинг университетдаги кўп йиллик педагогик фаолияти “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнат фахрийси” медаллари ҳамда қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

М.Аъламова умрининг кейинги йилларида ҳам бўш ўтиргани йўқ: таржима, репетиторлик билан шуғулланди, “Лотин имлосидан тест саволлари”, “Нутқда акс этар бир олам бойлик” каби ўқув-услубий қўлланмаларни ёзди.

Асарлари:

1966 Способы выражения повелительности и желательности в тюркских языках. – АКД, Тошкент.

1970 О значениях форм условного наклонения. – исследования по уйгурскому языку. Алма-Ата.

1979 Феълнинг биргалик даражаси. Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон.

1980 Ҳозирги ўзбек адабий тили. Курс ишлари тематикаси ва методик кўрсатмалар. Методик қўлланма (ҳаммуаллифликда). Т., “Университет”.
Ўзбек тили ва адабиёти бўйича программа. Тайёрлов бўлимлари учун (ҳаммуаллифликда)., Т., “Университет”.
Орттирма даража формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари. ТошДУ илмий асарлари, № 648.

1986 Ўзбек адабий тилининг бойиши. – Т., “Ўзбекистон”.
Феъл даражалари ва диатезалар. Ўзбек тили ва адабиёти, 4-сон.

1987 Ҳозирги ўзбек адабий тили. Курс ишлари тематикаси ва методик кўрсатмалар. Методик қўлланма (ҳаммуаллифликда). 2-нашр. Т., “Университет”.

1988 Нутқда акс этар бир олам бойлик. – Т., “Ўзбекистон”.

1993 Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Т., “Фан”.б
Баёнлар ва унинг турлари (ҳаммуаллифликда)., Тошкент.
Ўзбек тилидан саводхонлик бўйича тест саволлари., Тошкент.

1995 Ўтимли-ўтимсизликми ёки объектли-объектсизликми? – Ўзбек шарқшунослигида илмий тил муаммолари. Илмий анжуман материаллари, Т.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.